



Аллох меҳрибон онаизорнинг ихлосига яраша дуоларини қабул қилди, унинг тарбиясини жуда гўзал қилди...

Бундан ибрат олган ҳолда биз ҳам доимо фарзандларимизнинг ва уларнинг келгуси зурриёдлари ҳаққига дуода бўлайлик, токи уларга ҳақиқий мураббий бўлган Зот Аллохнинг хос назари тушсин. Тарбиялари, ахлоқлари гўзал бўлсин!

Ёдда сақланг! Болалар Аллохнинг неъматларидир. Уларни баддуо қилиш, қарғаш эса (гарчи улардан озор етса ҳам) неъматни қадрламасликдир. Аллох қандай ҳам Қарамли Зот. Биздек неъматни қадрламайдиганларга ҳам яна кўплаб неъматлар ато этаверади...